

# ЖАНҚ СЎЗУ

ЎЗБЕКИСТОН  
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,  
РАЖАБ, 3-КУН.  
ШАМСИЙ,  
1370 ЙИЛ,  
ЖАДИЙ, 21-КУН.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган 1992 йил 8 январь, ЧОРШАНБА 6-сон • 257 •

НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН,  
СОТУВДА 25 ТИЙИН.

### Ўзбекистон Республикасининг қонуни

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТУГАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти лавозими тугатилин.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозими жорий этилин.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:
  - а) 102-модданинг 8-бандидан «Ўзбекистон ССР вице-президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси раиси биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
  - б) 107-модданинг биринчи қисми «Ўзбекистон Республикасининг Президентига» деган сўзлардан кейин «Вазирлар маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 113-модда «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раисига» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 118-4-модданинг 6-бандиданги биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Бош вазири, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тасдиғига киритади»;

д) 118-9-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Агар Ўзбекистон Республикасининг Президенти бирон-бир сабабларга қўра ўз вазифаларини бажариши бундан буйи давом эттира олмаса (шу жумладан — саломатлиги ёмонлашган ва бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тузданган давлат тиббиёт комиссиясининг хулосаси билан тасдиқланган бўлса), Олий Кенгаш янги

Президент сайлови ўтказилгунга қадар республика Президентини вазифасини вақтинча бажариб турувчи кишини сайлайди»;

е) 120-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Бош вазирдан, Бош вазирининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларидан, республика вазиридан, давлат қўмитетларининг раисларидан, янрик қўмитетларининг ва бирлашмаларининг раҳбарларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Вазирлар маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 4 январь.

### Ўзбекистон Республикасининг қонуни

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтказиш шароитида иқтисодий ҳолатининг муостақамлаш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, ноҳиялари ва шаҳарларида вакиллик қўмитетига ҳамда иқтисод-бошқаруш ҳолатининг бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасининг Президентига ва ҳалқ депутатлари тегишли кенгашига ҳисоб берадилар. Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар, Ўзбекистон Республи-

касининг Президентини томонидан тайинланадилар ва лавозимдан овоз қилнадилар ҳамда шундан сўнг ҳалқ депутатлари тегишли вилоят кенгашлари томонидан тасдиқланадилар:

ноҳиялар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, ҳалқ депутатлари тегишли ноҳия, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳокими тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, ҳалқ депутатлари тегишли шаҳардаги ноҳия кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

ноҳия ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларидан юқори

турувчи ҳокимларга ва тегишли ҳалқ депутатлари кенгашларига ҳисоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунарига мувофиқ ҳокимлар бошчилигидаги ҳалқ депутатлари вилоят, ноҳия ва шаҳар кенгашлари маҳаллий аҳамиятга молик даржа масалаларини умумийлаш манфаатлари ҳамда кенгаш ҳудудига яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент қарорларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар, ҳалқ депутатлари куйи кенгашларини фаолиятга раҳбарлик қиладилар, республика ва

маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

4. Ҳоким иқтисодий аппарати эга бўлиб, бу аппарат ҳозир амал қилиб турган кенгаш ва иқтисод қўмитетининг вазифаларини бажарилади. Аппаратнинг тузилшини ва штатларини ҳоким белгилайди ҳамда ҳалқ депутатлари кенгаши тасдиқлайди.

5. Ҳокимнинг ўринбосарларини, аппарат бўлимлари ва бошқармалари, бошқа бўлимларнинг раҳбарларини ҳокимнинг тақдимида мувофиқ ҳалқ депутатлари тегишли кенгашлари тасдиқлайдилар.

6. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунарида ўзига бериб қўйилган ваколат

лар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ҳокимнинг қарорлари ва фармойишлари кенгаш ҳудудига барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамият ва бирлашмалар учун, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

7. Ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессиялари ҳокимлар томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камидан икки марта чакрилиди.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига

ушбу қонундан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини тузиш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунари билан ушбу қонунга мос тарзда белгиланади.

10. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга кириди ва Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси қоракўлчилиги, қўйчилиги, уюр йилқичилиги ва туячиликда банд бўлган ҳодимларнинг гоёт оғир меҳнат шароитини, ноқулай об-ҳаво ва иқлим шароитида узоқ мuddат бўлишларини ҳисобга олиб ҳамда уларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ййлов чорвачилиги чўпонлари, йилқичилари, туячилари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техникалари, бошқа мутахассислари ва ишчилари 1992 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги соғлиги тўлашдан овоз қилинсин.
2. Ййлов чорвачилиги қоракўлчилиги учун ҳар йили меҳнат тўлиги мuddати 36 иш кунини қилиб белгилансин.
3. 1992 йилдан бошлаб қоракўлчилик ва қўйчилик хўжалиқлари ҳокимларининг иш ҳақига қўйишга коэффициент меҳнат шароитидаги сувсизлик, оқсизлик ва бошқа табиий-иқлимий хусусиятлар ҳисобга олиниб жорий қилинсин. Меҳнат вазирилик Қишлоқ хўжалиги вазирилик билан биргаликда бир ой мuddат ичда Ўзбекистон Республикасининг Президентини хузуридаги Вазирлар маҳкамасига тегишли тақдирлар тақдим этсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳалқ депутатлари ма-

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

## ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ (ҚОРАКЎЛЧИЛИК, ҚЎЙЧИЛИК, УЮР ЙИЛҚИЧИЛИГИ ВА ТУЯЧИЛИГИ) ҲОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҳаллий кенгашлари иқтисодий қўмитетлари, қолхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари республиканинг яйлов чорвачилигини, қоракўлчилик ва қўйчилик хўжалиқларини ҳамда 5 йил узулусиз иш стажига эга бўлган ҳодимларга қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидаги давлат уй-жой фондидан улар яшаб турган уйлари ёки квартираларини шахсий мулк қилиб бепул бериладилар.

— яйлов чорвачилиги ҳодимларига совхозлар ва қолхозларнинг иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари маблағларидан қўмакчи иморатлари бўлган уй-

жойлар қуриш учун қайтаринчи олмаслик шарти билан қара бериб, бинокорлик материалларини харид қилишда қўмақланадилар;

— ёш чўпонларнинг оилаларига шахсий ёрдамчи хўжалигини ташкил этиш учун имтиёзли шартларда сизирлар ёки отлар (туялар), қўйлар бериб, уларни ем-хашак билан таъминлашда ёрдам қўрсатилсин;

— тармоқда камидан 5 йил узулусиз иш стажига эга бўлган ҳодимларга енгил автомобиллар, мотоцикллар, ҳолодийниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари ҳамда бошқа гоёт харидоригр маданий

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 7 январь.

кенгашига республика қоракўлчилиги ва қўйчилик хўжалиқларининг чўпонлари ҳамда бошқа ҳодимларига санаторийлар ва дам олиш уйларига қўшимча равишда йўлнамалар акратишини қўзда тутиш тавсия этилсин.

7. Тармоқнинг алоҳида ўрнат қўрсатган ҳодимларини рағбатлантириш учун «Ўзбекистон Республикасининг қўйчилик қўмитетининг қоракўлчилик ва қўйчилик хўжалиқ фахрий унвонини таъсис этиш» мақсада мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Вазирлар маҳкамасига «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган қоракўлчи» фахрий унвони ва қўрақ ишонини тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги вазирилик 10 кун мuddат ичда қоракўлчилик ва қўйчилик ҳодимлари тоифалари рўйхатини, бериб ишлаш учун ушбу фармонда белгиланган имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган районлар ва хўжалиқларнинг рўйхатларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 7 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Ш. Р. МИРСАНДОВ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Шукрудол Раҳматович Мирсандов Ўзбекистон Республикасининг Президентини хузуридаги давлат котиби этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 7 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ У. А. АБДУРАЗОҚОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Убайдулла Аббосович Абдуразоқов Ўзбекистон Республикасининг Матбуот давлат қўмитетининг раиси вазифасидан овоз қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг ташиқ ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 7 январь.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1992 ЙИЛ 1 КВАРТАЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФАВҚУЛОДДА БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ҳалқ хўжалиги ва иқтисодий соҳа 1992 йилнинг биринчи кварталда нормал ишлаб туришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 1 кварталга мўлжалланган фавқулодда бюджетни даромадлар бўйича 15,3 миллиард сўм, харajatлар бўйича 16,6 миллиард сўм миқдорда ёни 1,3 миллиард сўм етишмовчилик билан тасдиқлансин.
2. 1992 йил 1 кварталнинг фавқулодда бюджетини қўллаш учун Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарорига асосан, шунингдек Корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ун бир фоиз ажратма тўловлари, реновация йиғирма фонди миқдордаги амортизация ажратмалари бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинмаган солиқлар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунга қадар вақтинча қуйидаги солиқ ва тўловлар жорий этилсин:

1. Қишлоқ қийматга 30 фоиз ставка бўйича солиқ; андозлар;
2. Корхоналарнинг мол-мулкига 0,5 фоиз ставка бўйича солиқ;
3. Ёрқин нарх-навоини жорий этишдан олинмаган даромадлар;
4. Корхоналарнинг даромадларидан 18—30 фоиз ставка бўйича олинмаган солиқ.
5. Ўзбекистон Республикасининг Президентини хузуридаги Олий Кенгашининг Иқтисодий ислохот, бюджет сисёати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитети билан биргаликда корхоналардан

олинмаган даромадларга юқорида қўрсатилган миқдорлар доирасида солиқ ставкаларини, шунингдек, республиканинг ташиқнинг олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотга ёрқин нархлар жорий этилишидан олинмаган даромад ставкаларини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирилик бош давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда янги жорий этилган солиқлар ва даромадларнинг бюджетга тўлаш тартибининг республика молия идоралари ва тўловчилар эътиборига етказилсин.
6. 1991 йилда амал қилган автомобил йўллари қурилишини пул билан таъминлаш, шунингдек, транспорт воситаларининг ва бошқа ўзборлар машиналар ва механизмларнинг эгалари тўлайдиган солиқ ставкалари 1992 йилда ҳам сақлаб қилинсин.
7. 1992 йилнинг 1 январидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар (ноғиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари, муассасалари, бирлашмалари ва ўзв юрталардан ташқари), давлат иқтисодий суғуртасига тўлайдиган бадаллар тарифи 87 фоиз миқдорда белгилаб, 87 фоиз миқдорда белгилаб, унинг 82,5 фоиз пенисия фондига ва 17,5 фоиз йиллик сўгурта фондига ўтказилиши қўзда тутилсин.
8. Фуқаролар пенсия фондига ўтказилган мажбурий суғурта бадаллари иш ҳақи суммасининг 1 фоиз миқдорда белгиланганча сақлаб қилинсин.
8. Корхоналар, муассасалар (бюджет муассасалардан ташқари), ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа иш берувчиларнинг, мулкчилик ва хўжалик юртишининг шаклидан қатъий назар, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан

3 фоиз миқдорда аҳолини иш билан таъминлашга қўмақлашчи фондига мажбурий ажратма ўтказиши ва бу харajatлар махсулот таннархига қўшиб ҳисобланиб белгилаб қўйилсин.

9. 1992 йил 1 квартал учун Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига ажратмалар норматини қуйидаги белгилаш:
10. Ёрқин нарх-навоини жорий этилишидан тушадиган акциялар ва даромадлар Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ўтказилсин.
11. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб автомобил йўллари таъмирлаш ва уларни лозим даражада сақлаб туришини пул билан таъминлаш:
12. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат банки қўйилган қийматдан олинмаган солиқ, ёрқин нарх-навоини жорий этилишидан келадиган акциялар, даромадлар, корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ» бўйича тушумларни ҳисоб-китоб қилиш учун республика бюджетининг яқроси бўйича давлат банкнинг тегишли сўтларини ва ҳисоботининг размаларини очсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси **Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 4 январь.





